

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc. 27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВА ЖАННА АВЗАРОВНА

**БОШ МИЯ ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ ИШЕМИЯСИДА ВЕНОЗ
ЦЕРЕБРАЛ ДИСЦИРКУЛЯЦИЯНИНГ РОЛИ (ПАТОГЕНЕЗИ,
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ МУАММОЛАРИ)**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Назарова Жанна Авзаровна

Бош мия ўткири ва сурункали ишемиясида веноток церебрал
дисциркуляциянинг роли (патогенези, диагностикаси ва даволаш
муаммолари) 3

Назарова Жанна Авзаровна

Роль венозной церебральной дисциркуляции при острой и
хронической ишемии головного мозга (вопросы патогенеза,
диагностики и лечения) 39

Nazarova Janna Avzarovna

The role of venous cerebral discirculation in acute and chronic cerebral
ischemia (issues of pathogenesis, diagnosis and treatment)..... 77

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 81

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc. 27.06.2017. Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

НАЗАРОВА ЖАННА АВЗАРОВНА

**БОШ МИЯ ЎТКИР ВА СУРУНКАЛИ ИШЕМИЯСИДА ВЕНОЗ
ЦЕРЕБРАЛ ДИСЦИРКУЛЯЦИЯНИНГ РОЛИ (ПАТОГЕНЕЗИ,
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ МУАММОЛАРИ)**

14.00.13 – Нерв касалликлари

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.DSc/Tib370 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tipme.uz ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Аллиқулова Нигора Абдуқодировна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Нургужаев Эркин Исмагулович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Қозоғистон)

Миржураев Эльбек Миршавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Содиқова Гулчехра Кабуловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ульяновск давлат университети (Россия)

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ҳузуридаги 27.06.2017.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019йил «__»_____ кунни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (99871) 268-17-44.

Диссертация автореферати 2019 йил «__»_____ кунни тарқатилди.

(2019 йил «__»_____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Х.А.Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Г.Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича цереброваскуляр касаллик (ЦВК) муҳим тиббий-ижтимоий муаммо ҳисобланади ва бу уларнинг кенг тарқалганлиги (ҳар 1000 нафар аҳолига 1–4 ҳолат), ўлим кўрсаткичининг юқорилиги (инсультнинг ўткир босқичида 35% гача), меҳнат қилиш лаёқатининг вақтинчалик йўқотилиши ва бирламчи ногиронликнинг аҳамиятли кўрсаткичлари билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари маълумотларига кўра, «дунёда ҳар йил 15 млн инсульт ҳолати қайд қилиниб, шулардан беморларнинг 30% и йил давомида вафот этади, 60% дан кўпроғи ногиронликка олиб келади ва миёда қон айланиши бузилиши бўлган беморлар сонининг учдан бир қисмини 50 ёшгача бўлган беморлар ташкил этди»¹. ЦВК диагностикаси, даволаш, реабилитация ва иккиламчи профилактикаси давлат томонидан катта сарф-харажатларни талаб этади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида замонавий жамиятдаги самарали интеллектуал фаолиятга бўлган талабнинг ортиб бориши билан боғлиқ ҳолда, веноз қон оқими айланишини аниқлаш ва даволаш тактикасига ёндашувнинг самарадорлигига эришишга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада бош миёда веноз қон айланишининг бузилишидаги когнитив бузилишларнинг эрта босқичларида беморларни аниқлаш, миё инсульта ва деменция каби асоратларни ҳисобга олган ҳолда, сурункали миё ишемиясида хотира, диққат ва интеллектнинг пасайиши каби когнитив бузилишларнинг олдини олиш мақсадида алгоритм ишлаб чиқиш, ҳамда касаллик асоратларини олдини олиш, учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш, касаллик замирида нейропсихологик, невровегетатив дезадаптацияни бартараф этиш, касаллик келиб чиқишида генетик мойилликни аниқлаш, даволашга замонавий ёндашиш ҳамда беморларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш чораларини белгилаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар билан бир қаторда цереброваскуляр патологиялар ривожланишига олиб келувчи сабабларни аниқлаш, шунингдек, даволаш ва профилактика самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада «...касалликларни олдини олиш ва диагностика қилиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам курсатиш»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида бош миё қон-томир касалликларини ривожлантирувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва асоратларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, кейинчалик аҳолига

¹Weekly epidemiological record of WHO // N369, 2017, 93, 521-540.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тиббий-ижтимоий ёрдам тўлаконлигини ошириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш, хаёт сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Бош мия томир патологияларини ташхислаш ва даволашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, жумладан, University Georg Thieme Verlag KG Stuttgart, University of South Florida (США); National Institute of Neurological Disorders and Stroke Bethesda (США); University of Birmingham (Англия), University of Leeds (Великобритания); University Brno (Чехия), University Medical Center Utrecht (Нидерланды); University of Calgary, University of Saskatchewan (Канада); Sapienza University, University of Modena and Reggio Emilia (Италия); University Beijing (Китай); Radboud University Nijmegen (Нидерландия); Okayama University (Япония); Chongqing Medical University (Китай); Department of Public Health and Clinical Medicine, Umeå University (Швеция); University Bruno (Чехия); Pediatric Neurology, University Hospital of Geneva (Швейцария); РТФА Неврология илмий маркази (Россия Федерацияси); Department of Neurosurgery, Third Military Medical University (Китай); Robert Koch Institute (Германия); Institute for Quality and Efficiency in Health Care (Германия); National Institute for Health and Welfare (Финляндия), University of Silesia, Katowice (Польша); Ульяновск давлат университети (Россия Федерацияси); Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети (Россия Федерацияси); Харьков миллий тиббиёт университети (Украина); Беларус давлат тиббиёт университети (Белоруссия); Тошкент тиббиёт

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.uwa.edu.au, www.en.sjtu.edu.cn, www.utoronto.ca, www.case.edu, www.en.uni.lu, www.iso.nbu.edu.cn, www.iuims.ac.ir, www.asu.edu ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

академияси (Ўзбекистон); Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон); Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон).

Цереброваскуляр патологияли беморларни даволаш ва ушбу касаллик профилактикаси самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: мия инсулти (МИ) каби томир патологияси асоратларининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашда доимий равишда қон босимини назоратга олиш зарурати курсатилган (University of South Florida USA.); миёда қон айланишининг турли босқичдаги етишмовчиликларидида церебрал қон оқими бутун тизимида церебрал гемодинамика ҳамда цереброваскуляр реактивликнинг артериал ва вена қон томирларининг ўзаро алоқаси аниқланган (Institute for Quality and Efficiency in Health Care, Germany); мия ишемиясида церебрал гемодинамика ва мия функциясининг тикланишини прогнозлаш мезонларини баҳолаш патологиянинг мавжуд маркерлари информативлигини аниқланган (Radboud University Nijmegen, Netherlands); цереброваскуляр касалликлар фонидида веноз етишмовчилик когнитив бузилишларни келтириб чиқариши аниқланган (University of Birmingham, United Kingdom); цереброваскуляр патология патогенезидида веноз қон айланишининг етишмовчилиги тугма компонентлиги исботланган (University of Leeds, United Kingdom); цереброваскуляр касалликлар патогенезидида веноз ликвор бузилиш асосий ўрни аниқланган (Неврология, психиатрия ва наркология институти, Украина); цереброваскуляр касалликларнинг веноз етишмовчилигида гипертониянинг роли исботланган (Ульяновск давлат университети, Россия), ҳамда кекса инсонлар миёсидаги ўзгаришлар, хотира ва диққатда интеллектнинг бузилиши кузатилган вена қон томир етишмовчилигига боғликлиги аниқланган (Харьков миллий тиббиёт университети, Украина); цереброваскуляр касалликлар патологиясида турли калибрдаги артериялар шикастланиши билан бир қаторда церебрал гемодинамиканинг веноз компоненти бузилишлари муҳим аҳамият касб этиши исботланган (Академик И.П.Павлов номидаги Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети, Россия). Бош миёанинг ишемик шикастланиши патогенетик гетерогенлиги концепцияси ишлаб чиқилган (Москва давлат тиббий-стоматология университети, Россия).

Бугунги кунда пайтда дунёда сурункали мия ишемияси бўлган беморларда вена церебрал дисфункциясини эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини мувофиқлаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йуналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: вена церебрал дисфункция (ВЦД) пайдо бўлишига кўмаклашувчи энг муҳим омилларни аниқлаш ва сурункали мия ишемияси бўлган беморларда церебрал вена етишмовчилиги оғирлик даражаси мезонларини белгилаш; ВЦД оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда церебрал вена етишмовчилиги фонидида юзага келган мия сурункали ишемияси бўлган беморларда инсомник бузилишлар аҳамияти ва диагностик қийматини аниқлаш; этиология ва патогенезнинг асосий омиллари бирикувига боғлиқ ҳолда сурункали церебрал ишемияда

вена қон оқими киришидаги ўзгаришлар характерини аниқлаш ҳамда мия ишемик шикастланиш босқичлари шаклланишида веноз дисбаланс ролини аниқлаш; сурункали мия ишемияси фонида ВЦД бўлган беморларда вена церебрал гемодинамикаси кўрсаткичларига вена тонусини оширувчи терапиянинг самарадорлигини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Цереброваскуляр патология патологик жараёнга бош миянинг ҳам артериал, ҳам вена тизими жалб этилиши туфайли юзага келувчи церебрал қон айланиши етишмовчилиги фонида бош мия функцияларининг зўрайган бузилиши билан намоён бўлади. Клиник кузатувлар натижаларига кўра веноз дисциркуляция билан бирга кечувчи артериал гемодинамика бузилишлари устунлик қилиши аниқланган, лекин интракраниал веноз қон айланишининг бузилиш ҳолатлари қаторида артерия усти етишмовчилиги кўпроқ қайд этилган. Бу веноз энцефалопатиясини мустақил шаклга ажратиш учун асос бўлиб хизмат қилган (Васильев И.А., Ступак В.В., 2014; Белова Л.А., Машин В.В., 2010; Семенов С.Е., Шумилина М.В., 2015; Иванов А.Ю., Панунцев А.Н., 2010; Кортушвили М.Г., Бериулава Д.В.). Яқин вақтларга қадар мияда қон айланишининг веноз компонентини аниқлаш артериал гемодинамика тадқиқотларидан анча орқада қолган эди, бу кўпинча анатомик жиҳатдан мураккаблиги ва қурилишининг аҳамиятли ўзгарувчанлиги ҳамда қаттиқ мия пардаси церебрал вена ва синуслари бўйлаб қон оқими бузилишларини ташхислашнинг қийинлиги, шунингдек, вена қон айланиши бузилишларини ташхислашнинг оддий объектив усуллари мавжуд эмаслиги билан тушунтирилади. Бош мия вена қон айланиши бузилиши хусусиятларини аниқлаш ҳамда мия қон айланиши бузилишларида унинг аҳамиятини баҳолаш мақсадида визуализациянинг замонавий технологиялари фаол ривожлантирилиши ва татбиқ этилиши билан аниқланди. (Путилина М.В., Ермошкина Н.Ю., 2013).

Шунингдек, вена қон айланишининг бузилиши бош мия томир касалликлари ривожланишида муҳим патогенетик механизмлардан бири ҳисобланади. Церебрал томир соҳасининг учдан икки қисмини вена бўлими ташкил этади, бироқ бош мия томир патологияси бўйича бажарилган тадқиқотларнинг 90% дан кўпроғи артериал қон оқимини ўрганишга бағишланган. Церебрал қон айланишининг веноз бўлимини етарлича баҳоламаслик сурункали церебрал ишемиянинг клиник манзараси ва патогенези ўзгаради (Бабенков Н.В., 2000; Белова Л.А., Машин В.В., 2010). Клиникада интракраниал веналарни мақсадли тадқиқ қилиш ангио-режимда ангиографии, КТ ва МРТдан фойдаланиб олиб борилмоқда, ангиосцинтиграфия мия вена гемодинамикасини аниқлаш имкониятларини аҳамиятли кенгайтирди (Дическул М.Л., 2014; Поспелова М.Л., 2011; Семенов С.Е., Шумилина М.В., 2015). Транскраниал доплерография бош мия томирлари ҳолатини баҳолашнинг ноинвазив, оғриқсиз, тежамли ва етарлича информатив текшириш усули бўлиб ҳисобланади (Белова Л.А., 2012; Гачечиладзе Д.Г., Бериулава Д.В., 2012; Henry-Feugeas MC, Koskas P., 2012). Бош мия касалликларида веноз дисциркуляцияни объективлаштириш,

даволаш жараёнида динамикани кузатиб боришда доплерографиянинг роли тасдиқланган.

Бундай вазиятда нейровизуализация маълумотлари билан корреляцияда церебрал ишемия ривожланиш босқичларининг чуқурлаштирилган доплерографик таҳлилини ўтказиш, миёда қон айланишининг функционал имкониятларини ақс эттирувчи гемодинамик захира аҳамиятини белгилаш, ультратовушли доплерография маълумотлари бўйича вена патологияси фонида миёнинг ишемик шикастланиши ривожланишини босқичма-босқич ёритиб берувчи самарали моделни ишлаб чиқиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан мослиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ «Вена церебрал патологияси, бош миё сурункали ва ўткир ишемияси шаклланишида унинг роли» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади цереброваскуляр патологияли беморларда интракраниал веноз етишмовчилигини ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

цереброваскуляр патологияли беморларда интракраниал вена етишмовчилиги тарқалганлигини баҳолаш;

вена церебрал дисфункция (ВЦД) пайдо бўлишига кўмаклашувчи энг муҳим омилларни аниқлаш ва сурункали миё ишемияси бўлган беморларда церебрал вена етишмовчилиги оғирлик даражаси мезонларини белгилаш;

бош миё ўткир ишемияси ривожланишида ВЦДнинг хавф омилли сифатидаги аҳамиятини аниқлаш;

ВЦД оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда церебрал вена етишмовчилиги фонида юзага келган миё сурункали ишемияси бўлган беморларда когнитив ва психоэмоционал бузилишларнинг аҳамияти ва диагностик қийматини аниқлаш;

ВЦД оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда церебрал вена етишмовчилиги фонида юзага келган миё сурункали ишемияси бўлган беморларда инсомник бузилишлар аҳамияти ва диагностик қийматини аниқлаш;

ВЦД оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда сурункали миё ишемияси фонида юзага келган ВЦД бўлган беморларда церебрал гемодинамика, яъни қоннинг артериал оқиб кириши ва веноз оқиб кетишининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

ВЦД оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда сурункали миё ишемияси фонида юзага келган ВЦД бўлган беморларда кўз туби ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

этиология ва патогенезнинг асосий омиллари бирикувиға боғлиқ ҳолда сурункали церебрал ишемияда вена қон оқими киришидаги ўзгаришлар характерини аниқлаш ҳамда миё ишемик шикастланиш босқичлари шаклланишида веноз дисбаланс ролини аниқлаш;

Сурункали мия ишемияси фонида ВЦД бўлган беморларда вена церебрал гемодинамикаси кўрсаткичларига вена тонусини оширувчи терапиянинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида РШТЎИМ ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасида даволанган 45 ёшдан 78 ёшгача (ўртача ёш $59,4 \pm 8,3$) бўлган гипертония касаллиги (ГК), атеросклероз (Аз) ва ушбу касалликларнинг бирикуви (ГК+Аз) билан хасталанган 827 нафар бемор ва 25 нафар амалий соғлом кишилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида неврологик статусни комплекс текшируви ва нейровизуализацион усул натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник неврологик, нейропсихологик, нейровизуализацион, инструментал текширув усуллари ва натижаларнинг статистик ишлов бериш аналитик усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сурункали мия ишемияси бўлган беморларда сурункали вена церебрал дисфункциясида коморбид фоннинг оғирлаштирувчи ахамияти исботланган;

сурункали мия ишемияси фонида веноз оқими бузилиши сабабли ривожланган церебрал дисфункцияси бўлган беморларда когнитив, нейропсихологик ва психоэмоционал ҳолатлар бузилишлари орасидаги узвий мутаносиблик аниқланган;

вена церебрал номуаносиблиги ривожланиши сабабли мия қон айланишининг гемодинамик захирасининг пасайиши ва мия ишемик шикастланиши босқичлари жадал ривожланиши исботланган;

илк бор сурункали мия ишемияси бўлган беморларда веноз дисгемия ривожланиш фонида куз тур пардаси ўзгаришлари ва церебрал гемодинамика кўрсаткичлари орасида узаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши транзитор ишемик атакиси веноз церебрал дисфункциянинг вертебро-базиляр бассейнида айниқса аёлларда учраш тезлиги юқорилиги аниқланди;

сурункали мия ишемияси бўлган беморларда церебрал гемодинамика ҳолати локал қон айланишининг бузилишларига ва офтальмологик ўзгаришларга юқори даражада таъсир кўрсатиши исботланган;

сурункали мия ишемияси фонида веноз церебрал дисфункцияси бўлган беморларнинг ретинасида қон томир узгаришлари касалликнинг эрта босқичларида прогностик мезонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сурункали вена церебрал дисфункцияси билан касалланган беморларда касалликни эрта аниқлаш мақсадида РЭГ текширувини амалга ошириш тавсия этилган;

беморлар учун вена церебрал дисфункцияси симптомларини аниқлаш бўйича анкета таклиф қилинган;

сурункали мия ишемияси бўлган беморларда томирлар ретинал шикастланишларининг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида кўз туби

офтальмоскопияси, Фундус-камера ва тўрпарда ОКТ диагностикасини кўллаш таклиф этилган;

сурункали мия ишемияси фонида ВЦД бўлган беморларни олиб боришнинг алгоритми комплекс диагностик ёндашув асосида ушбу касалликни даволаш ва сифатли скрининг қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

сурункали мия ишемияси фонида веноз церебрал дисфункцияси бўлган беморларда венотониклар куллаш билан даво тактикаси оптималлаштириш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник неврологик, клиник анкета, психологик тест, офтальмологик томография, дуплекс сканирлаш, магнит-резонанс томография (МРТ) ва статистик усулларга асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиясини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган илмий натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда уларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти цереброваскуляр патология фонида веноз церебрал дисфункциянинг клиник кечиш хусусиятларини аниқлаш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтириш ҳамда цереброваскуляр патологияли беморларда веноз церебрал дисфункциянинг дастлабки намоён бўлишини эрта ташхислаш бўйича алгоритм дастурларини такомиллаштириши, ташхислаш ва даволаш сифатини ошириши, касаллик асоратлари ҳамда сурункали вена церебрал дисциркуляцияси микдорини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали мия ишемияси фонида веноз церебрал дисфункцияси бўлган беморлар гемодинамик бузилишлар оғирлик даражаси, касалликнинг кечиш босқичлари, беморлардаги коморбид фонни ҳисобга олган ҳолда таклиф этилган веноз церебрал дисфункция терапия тактикаси даволаш самарадорлигини оширганлиги ва веноз дисфункциясини коррекциялаш асосида сурункали мия ишемияси зўрайишини сезиларли камайтириш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ташхислаш ва даволаш терапиясининг оптимал тактикаси танланиши натижасида цереброваскуляр патология зўрайишини секинлаштириш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бош мия ўткир ва сурункали ишемиясида веноз церебрал дисциркуляциясини даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Мия сурункали ишемияси бўлган беморларда йўлдош вена церебрал дисциркуляция мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда дифференциал терапия усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги № 8н-д/148-сон маълумотномаси).

Мазкур услубий тавсиянома жорий этилиши сурункали вена церебрал дисфункциясининг клиник-патогенетик тахлили замонавий ҳолатини яхшилаш имконини берган;

«Реоэнцефалография кўрсаткичлари асосида мия сурункали ишемиясининг дифференциал терапияси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 20 июндаги № 8н-д/148-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ЦВП бўлган беморларда ВЦДни эрта ташхислаш ҳамда терапевтик чора-тадбирларни такомиллаштириш имконини берган;

гипертоник ва атеросклеротик генезли сурункали мия ишемияси фонида ВЦД бўлган беморларнинг клиник-патогенетик хусусиятларини яхшилаш усулларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услублар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, 3-Тошкент тиббиёт академиясининг неврология бўлимига, Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонаси неврология бўлимига, Бухоро шаҳридаги 5- ва 6-оилавий поликлиникалар амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 8 октябрдаги 8н-з/159-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ВЦДни даволаш самарадорлигини оширишга, шунингдек, клиник-патогенетик хусусиятлар ва гемодинамик бузилишларни коррекциялашни ҳисобга олган ҳолда касалликни эрта ташхислашнинг амалга оширилиши беморларда цереброваскуляр касалликнинг зўрайишини аҳамиятли камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий анжуман, жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, 1 та монография, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий

килиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Цереброваскуляяр касалликлар билан оғриган беморларда вена церебрал дисфункциясини ташхислаш ва даволаш муаммосининг замонавий ҳолати» деб номланган биринчи бобида адабиётлар манбалари шарҳи келтирилган ҳамда сўнгги йилларда сурункали вена церебрал дисфункцияси бўйича чоп этилган материаллар ёритилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширилган контингент характеристикаси берилган. Тадқиқотнинг объекти МСИ билан гипертония касаллиги (ГК), атеросклероз (АЗ) ҳамда ушбу касалликларнинг бирикуви фонида касалликнинг I ва II босқичлари бўлган 827 нафар беморлар бўлди. Текширувдан ўтганларнинг ёши 45 ёшдан 75 ёшгача бўлди (ўртача ёш $59,4 \pm 8,3$) (1-жадвал). Қўйилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ тадқиқотнинг асосий босқичлари ажратилди. Ишнинг асосий боби икки қисмдан иборат бўлди. Биринчи босқичда беморларда неврологик мақом, реоэнцефалография (РЭГ) ва коморбид фон кўрсаткичлари текширилди.

1-жадвал

Беморларнинг текширувнинг биринчи босқичида жинси, ёши ва фон касалликлар бўйича тақсимланиши

Фон касалликлар	Ёш (йиллар)	Эркаклар		Аёллар		Жами	
		n	%	n	%	n	%
Гипертония касаллиги	45-54	28	3,4%	5	0,6%	33	4,0%
	55-64	61	7,4%	67	8,1%	128	15,5%
	65-74	67	8,1%	104	12,6%	171	20,7%
	Жами	156	18,9%	176	21,3%	332	40,1%
Атеросклероз	45-54	11	1,3%	9	1,1%	20	2,4%
	55-64	31	3,7%	38	4,6%	69	8,3%
	65-74	51	6,2%	63	7,6%	114	13,8%
	Жами	93	11,2%	110	13,3%	203	24,5%
Гипертония касаллиги ва атеросклерознинг бирикиши	45-54	9	1,1%	2	0,2%	11	1,3%
	55-64	42	5,1%	54	6,5%	96	11,6%
	65-74	73	8,8%	112	13,5%	185	22,4%
	Жами	124	15,0%	168	20,3%	292	35,3%
	Ҳаммаси	373	45,1%	454	54,9%	827	100,0%

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида текширилаётганлар орасидан ГК ва АЗ ёки уларнинг бирикуви фонида бош суягидан вена оқими бузилишлари билан МСИ II босқичи бўлган (РЭГ текшируви маълумотлари асосида) 237 нафар бемор саралаб олинди. Ушбу беморларда янада кенгроқ ҳажмли текширувлар амалга оширилди. Улар 60 ёшдан 74 ёшгача (ўртача ёш $64,7 \pm 5,1$) бўлган 104 нафар (43,9%) эркак, 133 нафар (56,1%) аёллар эди (2-жадвал).

2-жадвал

Беморларнинг текширувнинг иккинчи босқичида жинси, ёши ва фон касалликлар бўйича тақсимланиши

Кўриқдан ўтказилганлар	Эркаклар	Аёллар	Жами
N	104	133	237
%	43,9	56,1	100
Ўртача ёш, йиллар	65,0±8,2	61,3±6,3	64,7±5,1
Касалликнинг давомийлиги, йиллар	7,3±0,4	9,9±0,3	8,1±0,4
ГК	44 (18,6%)	47 (19,8%)	91 (38,4%)
АЗ	22 (9,3%)	35 (14,8%)	57 (24,1%)
ГК ва АЗнинг бирикуви	38 (16,0%)	51 (21,5%)	89 (37,6%)

ВЦДни аниқлаш бўйича анкета ёрдамида ўтказилган сўровномага мувофиқ барча беморлар вена церебрал дисфункциясининг оғирлик даражасига кўра уч гуруҳга ажратилди. Таққослаш гуруҳи жинс ва ёш бўйича асосий гуруҳ билан таққослана оладиган 45 нафар ВЦДсиз МСИ бўлган беморлардан иборат бўлди. Назорат гуруҳига (НГ) 25 нафар амалий соғлом шахслар олинди, уларнинг 14 нафари (56,0%) аёллар ва 11 нафар (44,0%) эркаклар бўлди. Ўртача ёш – 57,4±8,2.

Ушбу беморларда батафсил текширув ўтказилди: бош оғриғи бўйича анкета ва оғриқнинг визуал-аналогли шкаласи (ВАШ) ёрдамида бош оғриқлари текширилди (Осипова В.В., 2013); Эпворт шкаласи ва полисомнография ёрдамида инсомник бузилишлар аниқланди (Полуэктов М.Г., 2018); когнитив бузилишлар психик мақомни баҳолашнинг қисқа шкаласи (Mini-Mental State Examination (MMSE)), «Лурия бўйича 10 та сўз» тести каби нейропсихологик шкалалар асосида баҳоланди; когнитив функцияларнинг миқдорий баҳоси когнитив чақирилган потенциал (КЧП) усулида аниқланди (Зуева И.Б., 2012); астеник синдром (АС) яққоллиги MFI–20 шкаласи бўйича баҳоланди (Храмелашвили В.В., 2004). «Бек депрессияси шкаласи» усулидан депрессия даражасини баҳолашда фойдаланилди.

АЗ ва ГКга хос бўлган ўзгаришлар яққоллик даражасини баҳолаш учун кўз туби томирларининг офтальмологик текшируви ўтказилди; Торсон TRS-NW7SF (Япония) фирмасида ишлаб чиқарилган фондус-камера ёрдамида кўз туби тўқималари фоторегистрация қилинди; Спектрал ОКТ Swept Source технологияли Торсон DRI OCT Triton рақамли оптик-когерент-томографида бажарилди.


Бош ва бўйин томирларида қон оқимини текшириш конвексли, чизиқли ва сектор датчикларга эга бўлган 2,0–13,0 МГц частотали SSD–5500 SVQ (Aloka фирмаси, Япония), Sonoline G–60 (Siemens фирмаси, Германия) ва SSH–140A (Toshiba фирмаси, Япония) ультратовушли сканерларидан фойдаланиб ультратовуш усулларида ўтказилди.

168 нафар беморда магнит майдони 1,5 Тесла кучланишли BRIVO–355 (АҚШ) томографида стандарт методикалар бўйича магнит-резонанс-томография (МРТ) бажарилди.

85 нафар беморда комплекс базавий дори-дармонли терапия фониде венотоник Метаксаз терапияси ҳам ўтказилди. Ўтказилган терапия самарадорлиги базавий терапия ва венотоник олган ҳамда фақат базавий терапия олган беморлар гуруҳларини таққослаш орқали баҳоланди.

Клиник-инструментал материалларга статистик ишлов бериш тиббий-биологик тадқиқотлар натижаларига $p < 0,05$ аҳамиятлилик даражасида ишлов бериш бўйича тавсияларга мувофиқ STATISTICA амалий статистика пакетидан фойдаланиб ўтказилди (Жижин К.С., 2007).

Диссертациянинг «Миянинг сурункали ишемияси бўлган беморларда интракраниал вена етишмовчилиги хусусиятлари ва тарқалганлик даражаси» деб номланган учинчи бобида 827 нафар беморларда ўтказилган скрининг текширувлар натижалари келтирилган. Унга кўра пертония касаллиги (33,8%), бош мия томирлари атеросклерози (26,0%) ва уларнинг бирикуви (35,2%), вазомотор дистония (8,5%) асосий этиологик омиллар бўлиб ҳисобланади. Юрак ритмининг бузилиши (экстрасистолия, тебранма аритмия, пароксизмал тахикардия) беморларнинг 2,6% ида, 31,6% ида эса юракнинг ишемик касаллиги кузатилди. 16,5% беморлар анамнезида ўтказилган мия қон айланишининг ўткир бузилиши (транзитор-ишемик ҳужумлар (ТИХ), гипертоник кризислар) кўрсатилган.



1-расм. Кўриқдан ўтказилган беморларда РЭГ текшируви маълумотлари бўйича вена қон оқимининг қийинлашиши (а) ва жинсга боғлиқ ҳолда вена қон оқими қийинлашишининг учраш частотаси (б) (n=827).

Реоэнцефалография усулида церебрал гемодинамика текширилганда 588 нафар (71,1%) беморда вена қон оқимининг бузилиши манзараси кузатилди, улардан аёл жинсидаги беморларнинг 56,0% ида венада қон оқимининг қийинлашиши аниқланди ва бу эркаклар аниқланган 44,0% га нисбатан ишончли юқори (1-расм).

Беморларда бош оғриғини ташхислашда ВЦД бўлган беморларда кучланишли бош оғриғи (КБО) энг кўп – 57,8% ҳолатда ташхисланди, шунингдек, бош оғриқларининг бошқа турлари: аурали мигрень – 3,2%, аурасиз мигрень – 4,5%, юз симпаталгиялари – 21,9%, кранио-цервикалгия –

69,8% ҳолатда аниқланди. Краниоцервикалгиянинг учраш кўрсаткичлари бўйича фарқлар ҳам ишончли бўлди. ВЦДсиз МСИ бўлган беморлар гуруҳида бирламчи бош оғриқларидан аурали мигрень – 5,2%, аурасиз мигрень – 6,7%, юз симпаталгиялари – 26,3%, кранио-цервикалгия – 19,4% ҳолатда кузатилди. Шунингдек, вена қон оқимининг бузилишлари бўлган беморларда «веноз шикоят»ларнинг кенг тарқалганлиги қайд этилди ва гуруҳ ичида аёл жинсига мансуб беморларда эркак жинсидаги беморлар билан таққосланганда бундай шикоятлар ишончли кўп учради.

3-жадвал

ВЦДга боғлиқ ҳолда МСИ бўлган беморларда коморбидлик таркиби

Гуруҳлар	ВЦД билан МСИ, n=491		p<	ВЦДсиз МСИ, n=173	
	n	%		n	%
<i>Коморбид касалликлар</i>					
Абнинг кўтарилиши	397	80,9%	0,05	98	56,6%
Метаболик синдром	307	62,5%	0,005	45	26,0%
Умуртқанинг бел бўлими остеохондрози	294	59,9%	0,05	56	32,4%
Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги	170	34,6%	0,05	29	16,8%
Оёқларнинг варикоз касаллиги	239	48,7%	0,05	27	15,6%
Кучланишли бош оғриғи	326	66,4%	0,05	68	39,3%

Текширилаётган беморларда коморбид фонни баҳолаш натижалари 3-жадвалда келтирилган. Тақдим этилган маълумотларга мувофиқ барча беморларда йўлдош патологиялар учради, ВЦД билан МСИ бўлган беморларда кўпчилик ҳолатларда метаболик синдром (62,5%), умуртқанинг бўйин қисми остеохондрози (59,9%), оёқларда варикоз касаллиги (48,7%), кучланишли бош оғриғи (66,4%) аниқланди. ВЦД билан МСИ бўлган беморлар гуруҳида ўрганилган барча коморбид ҳолатларнинг учраш фоизи ВЦДсиз МСИ бўлган беморлар билан таққосланганда ишончли юқори бўлди, бу жинс жиҳатидан фарқларга ҳам тегишли бўлиб, ВЦД ва МСИ бўлган гуруҳлардаги аёл жинсидаги шахсларда метаболик синдром, варикоз касаллиги, бош оғриғи каби коморбид ҳолатлар ишончли кўп кузатилди.

ВЦДга боғлиқ ҳолда МСИ бўлган беморларни кластер-гуруҳларга ажратиш учун кластер таҳлилдан фойдаланилди. РЭГнинг ажаратилган кўрсаткичлари асосида ВЦД ривожланиш даражаларига мос келувчи учта кластер олинди. Олинган маълумотлар асосида бирон-бир янги беморнинг нафақат қайси гуруҳга киришини, балки етарлича юқори эҳтимол билан ундаги бош мия вена етишмовчилиги даражасини аниқлаш ҳам мумкин.

Кластер таҳлил асосида олинган маълумотлар асосида ушбу тадқиқот давомида вена церебрал дисфункциясини аниқлаш учун анкета-сўровнома шакллантирилди (4-жадвал). Сўровнома бўйича белгиларни ўрганиш давомида олинган балларнинг умумий суммаси соғлом шахсларда 6 баллдан

ошмаслиги керак, баллар йиғиндиси 6 баллдан ошганда бемалол ВЦД мавжудлиги ҳақида айтиш мумкин.

Кластер таҳлил ва ушбу анкетадан олинган натижаларга мувофиқ тадқиқотнинг иккинчи босқичида 237 нафар бемор саралаб олинди ва улардаги ВЦДнинг яққоллик даражасига боғлиқ ҳолда 3 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳ – ВЦДнинг I босқичи бўлган 61 нафар (25,7%), 2-гуруҳ – ВЦДнинг II босқичи бўлган 101 нафар (42,7%) ва 3-гуруҳ – ВЦДнинг III босқичи бўлган 75 нафар (31,6%) бемордан иборат бўлди.

4-жадвал

Вена церебрал дисфункцияси белгиларини аниқлаш учун анкета


Сана	ФИО	Ёши		
Ташхис				
	Веноз церебрал дисфункция (ВЦД) симптомлари мавжудлигини аниқлаш бўйича бемор учун анкета			Баллар
	Шикоятлар			
1	Кўзғалишда бош оғриғи	Ҳа	Йўқ	2
2	«Таранг ёқа» симптоми	Ҳа	Йўқ	2
3	«Кўзда қум» симптоми	Ҳа	Йўқ	1
4	Эрталабки соатларда юз ва қовоқларнинг пастозлиги	Ҳа	Йўқ	2
5	«Баланд ёстик» симптоми	Ҳа	Йўқ	2
6	Уйқунинг бузилиши (уйқуда хуррак отиш)	Ҳа	Йўқ	1
7	Гипокинезия	Ҳа	Йўқ	1
	Йўлдош ҳолатлар	Ҳа	Йўқ	
8	Абнинг кўтарилиши	Ҳа	Йўқ	2
9	Метаболик синдром	Ҳа	Йўқ	2
10	Умуртқанинг бўйин бўлими остеохондрози	Ҳа	Йўқ	2
11	Ўпканинг сурункали обструктив касаллиги	Ҳа	Йўқ	2
12	Оёқларнинг варикоз касаллиги	Ҳа	Йўқ	2
13	Кучланишли бош оғриғи	Ҳа	Йўқ	2

Натижа	Баллар
--------	--------

Интерпретация		Баллар
ВЦД 1 даража	Оғирликнинг энгил даражаси	6--11
ВЦД 2 даража	Оғирликнинг ўртача даражаси	12--17
ВЦД 3 даража	Оғирликнинг оғир даражаси	18--23


Диссертациянинг «Вена церебрал дисфункцияси оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда мианинг сурункали ишемияси бўлган беморларда когнитив ва психоэмоционал соҳанинг ўзига хос хусусиятлари» деб

номланган тўртинчи бобида беморларда ВЦД мавжудлигига боғлиқ ҳолда беморлардаги когнитив мақом тадқиқ этилган. Текширилган барча ВЦДли беморларда когнитив бузилиш (КБ) аниқланди (2-расм).



2-расм. ВЦД даражасига боғлиқ ҳолда беморларда КГлар яққоллиги тақдироти (MMSE сўровномаси натижалари бўйича), улушлар мос келувчи гуруҳлар ичида кўрсатилган. ВЦД III ва ВЦД I гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончлилиги $p < 0,05$.


Луриянинг «10 та сўз» тести бўйича хотира текширилганда 10–20 минут вақт кесими оралиғида назорат гуруҳи ва ВЦД I, ВЦД II, ВЦД III гуруҳидаги беморлар ҳамда 1- ва 3-гуруҳлари ўртасида айtilган сўзлар миқдори ўртасида ишончли фарқлар аниқланди (3-расм).



Изоҳ: ★ - КГ ва гуруҳлар ўртасидаги сезиларли фарқ
 ▲ - 1 ва 3 гуруҳлар ўртасидаги фарқ

3-расм. ВЦД бўлган беморлар гуруҳида 10 та сўзни эслаб қолиш бўйича сўзларнинг ўртача миқдори (А.Р.Лурия бўйича).

КЧП кўрсаткичлари ВЦД бўлган беморлар ва назорат гуруҳи билан таққосланганда ушбу тадқиқот давомида барча бурилишларда латентлик кўрсаткичларинингузайиши қайд этилди. Кўрсаткичлардаги фарқлар таққосланганда КБ ҳамда 2- ва 3-гуруҳлар ўртасидаги кўрсаткичлар – ишончли, 1-гуруҳ ва КБ – ишончсиз характер касб этиши аниқланди. 4-расмда ВЦДнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда ВЦД бўлган беморларда оператив хотира кўрсаткичлари келтирилган. КБ бўйича таққосланганда беморларнинг кўрсаткичлари 2- ва 3-гуруҳлардаги фарқлар ишончилиги билан паст бўлди.




Изох: ★ - КБ ва гуруҳлар ўртасидаги сезиларли фарқ
 ▲ - 1 ва 3 гуруҳлар ўртасидаги фарқ

4-расм. ВЦД ва КБ бўлган беморларда Ампл N2/P3 (оператив хотира ҳажми) кўрсаткичлари.

ВЦДли беморларда жинсга боғлиқ ҳолда P300 кўрсаткичлари назорат гуруҳи билан таққосланганда куйидаги натижалар олинди. КЧПнинг асосий кўрсаткичлари эркаклар ва аёлларда фарқли бўлди. Бундан ташқари P300 латентлиги бўйича ишончли фарқлар қайд этилди. Эркакларда ушбу кўрсаткич $397,85 \pm 63,21$ мс га тенг бўлганда, аёлларда $368,75 \pm 53,01$ мс ни ташкил этди.

МФИ–20 шкаласи бўйича астения яққоллиги қиёсий таҳлил қилинганда белгиландики (10-жадвал), ВЦДнинг III босқичида (мос ҳолда $15,2 \pm 0,4$; $15,4 \pm 0,4$ ва $15,4 \pm 0,4$ балл) мотивациянинг пасайиши, психик астения ва умумий астения ВЦДнинг II босқичидаги аналогик кўрсаткичлардан ошди, бироқ ушбу кўрсаткичлар бўйича ишончли фарқлар ВЦДнинг I босқичи бўлган беморларда қайд этилди (мос ҳолда $10,4 \pm 0,5$; $13,0 \pm 0,7$ ва $10,9 \pm 0,3$ балл) ($p < 0,05$), жисмоний астения даражаси аёллар ($14,7 \pm 0,5$ балл)га нисбатан эркакларда ($16,1 \pm 0,5$ балл) ишончли юқори бўлди ($p < 0,05$). Бу фарқлар ВЦДнинг II босқичи билан оғриган беморларда янада кучли намоён бўлди.



5-расм. ВЦД якқоллиги ва жинсга боғлиқ ҳолда МСИ бўлган беморларда депрессия даражаси (балларда).

Депрессив бузилишлар ВЦДли 40,8% беморларда кузатилди, улардан 50,0% аёллар ва 27,1% эркакларда ($p < 0,01$) (Бек шкаласи). Ушбу бузилишларнинг намоён бўлиши ВЦД I ва ВЦД II да аёлларда ишончли ошди (26,7% дан 66,7% гача, $p < 0,01$), бу пайтда эркакларда тахминан битта даражада қолди (мос ҳолда 22,2% ва 28,2%). «Субсиндромал депрессия»нинг аниқланиш частотаси ВЦДнинг II босқичи бўлган эркакларда (14,6%) аёлларга (12,5%) нисбатан бирмунча юқори бўлди ($p > 0,05$), бу пайтда ВЦДнинг II босқичи бўлган аёлларда (37,5%) клиник манифестли депрессия эркаклардаги (12,2%) аналогик кўрсаткичлардан 3 баробар юқори бўлди ($p > 0,01$). ВЦД I ва ВЦД III таққосланганда клиник манифестли депрессиянинг аниқланиш частотаси аёлларда 4 баробардан кўпроқ ошди (13,3% дан 54,8% гача, $p > 0,01$), бу пайтда эркакларда ушбу кўрсаткич тахминан битта даражада қолди (5-расм).

Диссертациянинг «Вена церебрал дисфункцияси бўлган беморларда нейрофизиологик кўрсаткичлар» деб номланган бешинчи бобида мия қон оқимининг доплерографик характеристикаси келтирилган. МСИда гемодинамик ўзгаришларни баҳолаш мақсадида уйқу артерияси (УА) ва вертебрал уйқу (ВА), шунингдек, $Q_{\text{умум}}$ да Q қон оқимининг ҳажмли тезлиги (мл/мин) ўрганилди (5-жадвал).


5-жадвал

ВЦДнинг оғирлик босқичларига боғлиқ ҳолда экстракраниал артерияларда (Q , мл/мин) қон оқимининг ҳажмли тезлиги бўйича маълумотлар

Q	ВЦД I	ВЦД II	ВЦД III	Назорат гуруҳи
УУА	545,2 ± 71,5	495,8 ± 96,1 *	468,2 ± 91,4 *	523,6 ± 89,3
ВСА	274,1 ± 48,4	246,2 ± 39,4 *	213,6 ± 48,0 * ^	292,6 ± 68,5
ПА	92,5 ± 26,1	81,6 ± 29,3	54,9 ± 240,4 *	96,3 ± 35,5
Q_{sum}	754,7 ± 15,1	634,4 ± 106,1 *	578,9 ± 78,2 * ^	798,4 ± 84,7

Эслатма: * – гуруҳлар ва таққослаг гуруҳи ўртасидаги ва ^ – ВЦД I ва ВЦД III гуруҳлари ўртасидаги ишончли фарқлар.

Қон оқимининг ҳажмли тезлиги кўрсаткичининг камайиши экстракраниал томирларда ёшга боғлиқ меъёрлар билан таққосланганда қон оқимининг чизиқли тезлиги (ҚОЧТ) ишончли пасайиши билан боғлиқ бўлди (6-расм).



10-расм. ВЦДнинг оғирлик босқичларига боғлиқ ҳолда вена кўк томирларида оқим тезлиги ва диаметри.

Тадқиқот натижасида текширилган веноз церебрал дисфункцияси бор беморларда церебрал атрофия белгилари борлиги аниқланди. Натижалар шуни кўрсатдики, веноз дисциркуляцияси ошиб бориши ликвор хавзаларининг кенгайишига бу эса уз навбатида лейкоареоз соҳасининг катталашуви ва бош мия ок моддасида катта ва урта улчамдавги демиелинизациянинг бу эса бош мия ишемиясини келтириб чиқариши кузатилди. Хулоса қилиб айтганда веноз дисциркуляци канча ошиб бораверса, бош мия ишемияси шунча купаяди б у уз навбатида Сурункали мия ишемияси чуқурлашишига олиб келади.

ВЦД III гуруҳидаги беморларда Розентал базал веналари бўйича ҚОЧТ параметрлари ва тўғри синус ВЦД II гуруҳидаги беморлардан аҳамиятли фарқланмади, бироқ РIнинг зўрайган камайишига тенденция кузатилди. Барча тўртта параметр бўйича ишончли фарқлар ВЦД I гуруҳидаги беморлар билан таққосланганда ВЦД II гуруҳидаги беморларда кузатилди (6-жадвал).

6-жадвал

ВЦДнинг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда интракраниал веналарда қон оқими параметрлари

Гуруҳлар	ВЦД I	ВЦД II	ВЦД III
----------	-------	--------	---------


Параметрлар	Vmax, см/с	PI	Vmax, см/с	PI	Vmax, см/с	PI
Розентал венаси	12,8±5,4	0,41±0,08	21,8±7,2	0,28±0,08	23,4±7,2 *	0,21±0,07*
Тўғри синус	20,1±6,2	0,48±0,07	29,6±7,8	0,32±0,07	31,2±6,2 *	0,24±0,08*

Эслатма: * – ВЦД I ва ВЦД III гуруҳлари ўртасидаги ишончли фарқлар.

Ўтказилган частотали таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, базал веналарда ҚОЧТнинг ошиши ва артериол-венуляр коэффицент (АВК) тўрпардасида артериовеноз коэффицентнинг камайиши ВЦДнинг III босқичи бўлган беморларда ишончли кўп аниқланди ($p < 0,001$). Тўғри синусда ҚОЧТнинг кўпайиши ВЦДнинг I босқичи билан оғриган беморларда ишончли кўп аниқланди ($p < 0,001$).

